


ISSN 2181-6833

PEDAGOGIK

MAHORAT

MS,2020



ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ – ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ



Акрамова Матлуба Тўлқиновна – БухДУ Мактабгача
ва бошланғич таълим факультети, “Мактабгача
таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Мақолада ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёрлиги ва талабаларнинг креатив, яратувчанлик ва танқидий фикрлашларини шакллантириш масалалари муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: тайёргарлик, ўқитувчи, инновацион фаолият, талабани шакллантириш, ижодий фикрлаш, танқидий фикрлаш.

В статье рассматривается подготовленность педагога к инновационной деятельности и вопросы формирования у студентов творческого, созидательного и критического мышления.

Ключевые слова: подготовка, педагог, инновация, деятельность, формирование, студент, творческое мышление, критическое мышление.

The article discusses the readiness of the teacher to innovative activity and questions of formation of students' creativity, creative and critical thinking.

Keywords: preparation, teacher, innovation activity, the formation of the student, creative thinking, critical thinking.

Таълим босқичларига инновацион педагогик технологияларнинг жадал кириб келганлиги XXI асрнинг тезкор ахборот технологиялари барча жабҳаларни қамраб олганлиги билан изоҳланади. Бугунги педагогдан ўз касбий малакасини муттасил такомиллаштириб бориш билан бирга инновацион педагогик технологиялар яратиш, уларни таълим жараёнида қўллашга лаёқатли бўлиш талаб этилмоқда. Педагогнинг инновацион фаолиятга тайёргарлик даражаси касбий малакасининг энг муҳим кўрсаткичига айланди. Зотан, педагогнинг инновацион фаолияти ижодий изланишлари, таълим шакли ва мазмунини такомиллаштириш йўлидаги илгор гоялар яратиш, янгиликлар кашф этиш салоҳиятини намоён қиласди. Инновацион педагогик технологиялар воситасида ўқувчи-талабаларда ҳам яратувчилик, ижодкорлик, мустақил фикрлаш таълим мақсадларига ўз изланишлари, онгли ижодий муносабат орқали эришиш лаёқатини таркиб топтириши кўзда тутилади.

“Инновация” лотинча сўз бўлиб, янгиланиш, “янгилик” маъносини ифода этади. Инновацион таълим-тарбия жараёнининг шакли ва мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилувчи янги гоялар яратишни кўзда тутади. Инновацион гоялар бугунги таълим амалиётига жадал кириб бормоқда. Педагогик инновациялар таълим сифати ва самарадорлиги ортишига хизмат қиласди. Айни дамда, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш жараёнлари, ислоҳотлар моҳияти билан узвий боғлиқ ҳолда рўй беради. Давлат таълим стандартларининг янгиланиб бораётганлиги; ўқув-методик адабиётлар, дарсликлар, дастурлар, таълим соҳаларига оид классификаторлар мазмун-моҳияти такомиллашиб бораётганлиги янги-янги педагогик концепцияларга туртки бермоқда. Бу каби янгиланишлар педагогик инновацияларнинг таълим соҳалари ва узлуксиз таълим тизимига жадал кириб боришини тақазо этмоқда.

Замонавий педагогларнинг айни жараёнлар ичida фаол иш олиб бориши қатор касбий сифатлари қатори инновацион фаолиятга тайёрлик даражасини талаб этмоқда. Бундай фаолиятга лаёқатлилик даражаси таълим технологияси лойиҳаси ва унинг марказидаги педагогик фояда аниқ намоён бўлади. Таълим технологиясининг яратувчиси – педагог назарий билим, амалий тажриба, илгор таълим методлари ва усулларини қўллаш маҳоратини эгаллаган бўлса, таълим сифати билан самарадорлиги кафолатланади.

Ҳар қандай ўқитиш технологияси муайян дидактик мақсадга йўналтирилар экан, унинг асосида аниқ педагогик фоя ётади. Педагогик технологиялар моҳиятини ўқувчи шахсини хилма-

хил жиҳатлардан ривожлантириш ғояси ташкил этгани учун хилма-хил мавзулар бўйича таълим технологиялари асосида ҳам айни шу ғоя харакат қиласи. Бироқ бу ғояни қандай шаклда, қайси усуллар ёрдамида ва қандай қилиб амалга ошириш керак? – деган саволга ҳар сафар янги, оригинал жавоб топишга харакат қилинади. Ана шу “жавоб”дан технологияни харакатга келтирувчи педагогик ғоя моҳияти тушунилади.

Узлуксиз таълим босқичларида таълим технологиялари самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. “бхбх”, “ақлий ҳужум”, “қарорлар шажараси”, “тармоқлар”, “тарози”, “зинама-зина”, “бурчаклар”, “елпифич” каби ўнлаб усуллар номи барчага тушунарли ва таниш. Таълим амалиётида ўқитувчи улардан фойдаланишни режалаштирар экан дидактик мақсадни асос қилиб олади. Айни дамда бу мақсадни қандай амалга ошириш устида бош қотиради. Муаммони ечиш учун муайян ғоя яратиш зарурати келиб чиқади. Хўш, дидактик мақсад аниқ, уни амалга ошириш босқичлари, таълим усуллари белгиланди, аммо таълим технологияси нима асосига курилади?

“Ўзбекистон миллый энциклопедияси”да “Фоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Унда оламни билиш ва ўзгартириш мақсадлари, уларга эришиш йўллари ва воситалари мужассам бўлади” [1] – деб изоҳланган. Ушбу таърифни педагогик технологияларга тадбиқ қиласиган бўлсан, “**таълим бериш ва ўзлаштириш усулларини яратиш, қўллаш, уларни ягона тизимга келтириш**” [2] нинг оптималь варианatlарини тадқиқ этиш деган таъриф келиб чиқади. Педагогик технологияларнинг ўқувчилар нуткини ўстиришга йўналтирилган варианtlарни уни ишлаб чиқсан ўқитувчи-педагоглар яратувчилик фаолияти натижасидир. Айни фаолият асосида ҳам муайян қараш, таълим самарадорлигини таъминлаш ҳақидаги ғоя туради.

Замонавий таълим технологиялари бўйича қизиқарли кузатишлар олиб борган Анатолий Гин сўзлари билан айтганда: “Бундай технологиялар талабаларни ягона фикр доирасидан озод қилиб, тафаккур осмонида эркин парвоз қилишларига имкон яратади”. Бундай шароит яратища олим “очиқ топшириқлардан фойдаланишни маслаҳат беради. Бундай усулда талабалар креатив (ижодий) тафаккур юритишга, муаммо ечимиға турли йўллар, изланишлар орқали етиб боришига йўлланади. “Очиқ топшириқлар”нинг эса ечими кўп бўлади”

Биламизки, ўтган асрнинг 60-йилларида таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланишга киришилган. Ўқитишининг технологик асосларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий шарҳлашга киришилди. 1961 йилда АҚШда “Педагогик технология” журнали; 1964 йилдан Англияда “Педагогик технология ва дастурли таълим”; 1965 йилдан Японияда, 1971 йилдан Италияда “Педагогик технология” журналлари чоп этила бошланган. Россияда ҳам ана шу йўналишдаги илмий изланишлар, тадқиқотлар яратилган. В.М.Клариннинг “Педагогическая технология в учебном процессе”; В.П.Беспальконинг “Слагаемые педагогической технологии” каби қўлланмалари яратилди. 1997 йилдан “Мактаб технологиялари” журнали нашр қилинган. [3]

Ўзбекистонда ҳам XX асрнинг 90-йилларида педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари қатор олимлар томонидан тадқиқ этилди: Р.Х.Жўраев, У.Н.Нишоналиев, М.С.Саидахмедов, Б.Л.Фарберман, Қ.Ишматов, Х.Абдукаримов, Т.Назарованинг изланишлари шулар жумласидандир. [4]

Демак, ҳар қандай педагогик технология янгиланишга, такомиллашишига йўналтирилган педагогик ғояларни тақазо этади. Таълим тизимиға хос инновация жараёнлари ана шу зарурат натижасидир.

Таълим мақсади, ўқув жараёни мазмуни, ташкилий шакллар, ўқитиш методлари, усул ва воситалари ўқитувчилар тажрибаси билан маҳоратига, изланишларига, янгилик яратиш салоҳиятига кўра мунтазам такомиллашиб, янгиланиб боради. Жамиятимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол ёшларни шакллантиришга бўлган талаб ва эҳтиёжи туфайли бугунги таълим-тарбия мақсадлари янги мазмун касб этди. Педагогик технологиянинг яхлитлик, ўқув-тарбиявий жараённи лойиҳалаш; натижаларни олдиндан кафолатлаш; тасхишлиш тамойиллари технология қисмларининг кетма-кетлиги, узвийлиги, алоқадорлиги, ўқув материаллари ўзлаштирилишининг индивидуал даражаси ўқув-билув босқичларига мувофиқ изчил суръатда ўсиб боришини таъминлайди. Педагогик технология тамойиллари умумдидактик принциплар (онглийлик, фаоллик, кўргазмалилик, назариянинг амалиёт билан боғликлиги, таълим-тарбиянинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, тушунарлилиги, билимлар пухталиги ва х.к) билан уйғунликда ўрганилади.

Инновацион технология асосида ишлашда педагог ва талаба муносабатларининг ўзгариш даражалари:

* Педагог билимни ташувчи, етказувчи эмас, талабани ўқиши билим олишда ёрдамчи, маслахатчи, ташкилотчи раҳбарга айланади.

* Унинг учун педагог-конструкторлаш, лойиҳалаш, алгоритмлаш, шараётida иш юритишга ўрганиб боради.

* Икки томонлама фаол, маъсулиятли, ижодкорлик асосида иш юритиш малакаси шаклланади.

* Талабани ўзини-ўзи ўқитиши, фаол ишлашида якка, жуфт, кичик гуруҳларда мустақил ишлаш муҳити ёрдам беради; ўқув жараёни индивидуаллаштирилади; таълим натижалари кафолатланади.

Ҳар қандай педагогик технология йўлловчи (йўналтирувчи), бажарувчи назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни бирлаштиради.

“Ақлий ҳужум”, “Муаммоли таълим”, “6x6x6” каби методлар воситасида ўқитувчи талабаларнинг қандай ўқув топшириклари устида ишлашлари ёки қандай муаммони ҳал қилишлари лозимлигини олдиндан белгилаб, шу масалалар ечимини топишга йўлловчи саволлар, карточкалар, жадваллар тайёрлайди. Машғулот технологиясини ишлаб чиқади ва лойиҳалайди. Талабалар тайёр топшириклар асосида изланишга йўйаланади; топшириклар тушуниб олингач, фаол изланиш, ўлаш, мустақил фаолият босқичига ўтадилар. Ўз қарорлари, хукм-хуносаларини тайёрлашга киришадилар.

Талабаларнинг аниқ, мўлжалли ҳаракатлари ўзлаштирилган ўқув материаллари, билимлар, кўнникма ва малакаларни амалда қўллаш натижасига айланади. Айни дамда, янги малакалар ҳам шаклланаб боради. Ўқув ҳаракатлари давомида талабалар тақдим этилган топширикларни ўрганиш, таҳлил килиш, таккослаш, бажариш каби қатор фаолият турларини амалга оширадилар. Натижа эса бу ҳаракатлар якунидан юзага келади.

Талаба ўз изланишлари, ўқув-билув фаолияти натижасини ўзи баҳолайди. Ўқитувчи натижалар мониторингини юритади, лойиҳаланган технологиянинг самарадорлик даражасини назорат қилади, уни янада самаралироқ бўлиш воситалари ва имкониятларини белгилайди, аниқлаштиради ҳамда ташхислайди. Технологиянинг муайян қисмларини такомиллаштириш бўйича ижодий иш олиб боради.

Шу соҳада қатор изланишлар олиб борган К.Ишматов “Илғор педагогик технологиялар” (Наманган, 2000) номли қўлланмасида ўқув мақсадларининг кетма-кетлик тизимини (мақсадлар таксономиясини) назорат топширикларини ўқув мақсадларига эришиш йўлларини мунтазам коррекциялаш ёки янгилаб бориш таълим-тарбия натижалари самарадорлиги ортишига таъсир кўрсатиши таъкидлаган. Т.Мадумаров, М.Камолдиновнинг “Инновацион педагогик технология асослари ва уни инновацион таълим-тарбия жараёнида қўллаш” (“Talqin”-2012) номли қўлланмаларида педагогик мақсадларга эришишнинг тизимли тартиблашган таксономияси (объектлари ўзаро боғлиқлигига асосланиб оддийдан мураккаблашиб борадиган кетма-кетлиқда туркумлаш, системалаштириш биология фанида таксономия дейилади. Бу фоя Америкалик олим Б.Блум томонидан яратилган (1956 йил “Таксономия” (I қисм) нашр этилган). лигини таъкидлаб, унда ўқув мақсадларига эришишнинг когнитив соҳаси ишлаб чиқилганлиги; кейинги ўн йиллиқда эса Д.Кратвол ва бошқа олимлар томонидан педагогик мақсадлар таксономиясининг аффектив соҳаси яратилганлиги; когнитив соҳа (билишга оид соҳа) – ўқиб ўрганилган материални эслаб қолиш ва уни тақроран айтиб беришдан бошлаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрганилган фоя, метод ва ҳаракат усуллари билан уйғунлаштириб тасаввур этиш; билимларни эгаллашгача бўлган муаммоларни ҳал этишини ўз ичига олиши баён этилган.

Аффектив (хиссиётли - қадриятли) соҳага ўқувчи-талабаларнинг оддий идрок қилиш, қизиқиши, қадриятлар йўналишлари ва муносабатларини ўзлаштиришга тайёр бўлишларидан тортиб, то ўқувчининг атроф-дунёга хиссий-шахсий муносабатда бўлишини шакллантирувчи мақсадлар киритилган. Бу мақсадлар сирасида қизиқиши ва мойиллик, у ёки бу кечинмаларга ҳамдард бўла олиш; воқеалар ёки одамларга бўлган муносабат; уларни тушунишга, англашга, ҳис қилишга ўргатиш мақсадлари ифодаланган.

3. Психомотор (ҳаракатга оид) ва операцион фаолиятли соҳаларни олимлар асосан малакавий ҳаракатларни қамраб олувчи ўқув мақсадларига кўра тавсифлайдилар. Оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштиришга йўналтирилган малакалар, меҳнат (касб таълими) ва ўқувчи-талабаларнинг жисмоний тарбия таълими доирасидаги малакалари, касб ўргатиш жараёнлари бу соҳага киритилган.

Дидактик мақсадларни изчил амалга ошириш тизимини яратиш орқали ўқув машғулотларининг самарадорлиги кафолатланади. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги

фаолияти мавхум эмас, аниқ мақсад ва вазифалар томон йўналтирилади. Натижаларни баҳолаш андозаси (этalon) ҳам биргаликда яратилади. Нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам ўз-ўзини баҳолаш имконига эга бўладилар. Шу сабабли инновацион педагогик фаолият модели дидактик мақсаднинг аниқлигини; белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш йўллари (метод, усул воситаларнинг) тўғри танланишини; ўқувчилар фаолиятини бошқариш; ўқув мақсадларига йўналтириш; таъсир кўрсатиш; мотивацияни кучайтириш; ўқув машғулоти босқисма-босқич мазмунли, таъсирчан, самарали ўтишини қамраб олади.

Инновацион педагогик фаолият объектини таълим-тарбия олувчилар: ўқувчи-талабалар ташкил этгани учун бу жараён улар шахсига йўналтирилади. Шу сабабли ўқувчи шахсини шакллантириш ва юксалтиришга йўналтирилган инновацион педагогик жараён инсонпарварлик моҳиятига эга. Ўқитувчи-педагог ўз фаолиятини ижодий ташкил этар экан ҳар сафар янги изланишлар, янгича ёндашувлар туфайли дарс машғулоти шакли ва мазмунини янгилашга интилади, ўз қарашларини тажриба-синов тарзида амалиётга тадбиқ этади. Натижаларга кўра яна изланишга, таълим-тарбия жараёнига янгиликлар киритишга ҳаракат қиласи, камчиликларини топади, тўлдиради, мукаммаллаштиради. Кўп ҳолларда мавжуд методик қарашлар, кўницилган назарий коидалар ўқитувчиларни қониқтирмаслиги мумкин. Зотан, инновацион педагогик жараён ўқитувчи фаолиятининг доимий ўсиб-улғайиб, такомиллашиб, янгиликлар билан бойиб боришини тақозо этади. Янги билимларни мунтазам ўзлаштириб бориши; педагог шахсига, касбий маҳоратига нисбатан замонавий талабларга жавоб берадиган, яратувчилик қобилиятига эга бўлиш нафақат таълим-тарбия балки жамият талаби ҳамда эҳтиёжига айланди.

Бугунги кунда келиб ўқитувчи-педагогнинг инновацион фаолияти касбий маданияти билан компитентликнинг асосий таркибий қисмини ташкил қиласи. Бўлғуси ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш эса давлат аҳамиятига молик жиддий масалалардан биридир. Бу жараён таълим босқичлариаро узвий ҳамда узлуксиз тарзда ташкил этилиши; келажакда ўқитувчилик касбини эгаллашга интилган ёшларни “Устоз-шогирд” тизимида тарбиялашга эътибор қартиш; олий таълим муассасаларида тайёрланаётган педагог кадрларни касбга йўналтирилган илмий-назарий семинарларга, кафедралардаги илмий-тадқиқот ишларига, хилма-хил илмий лойиҳалар теварагидаги изланишларга, илмий-амалий конференцияларга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: 2003. II жилд. 238 б.
2. Педагогика фанидан изоҳли лугат. –Т.: 2008. 286 б.
3. Аҳлидинов Р.Ш. Ўзбекистонда таълим мини бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар./Таълим тараққиёти журнали. – Тошкент, 2000. – № 3 - 6. 5 – 93 б.
4. Крышова Н.Б. Формирование культуры будущего специалиста: Методическое пособие. – Москва, “Высшая школа”, 1990.
5. Толипов Ў.К., М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари Т. “Фан” нашриёти, 2006 йил.
6. Қамбаров М.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш Услубий қўлланма. Наманганд, 2011.